Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 4 ноябрь, чоршанба • № 86 (11.069) • Эркин нархда сотилади

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига 1998 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказа бориш тўғрисидаги концепциядан келиб чиқиб, фаоллар, манфаатдор мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига доир таклифларини ўрганиш тавсия этилсин.

2. Туман ва шаҳар ҳокимлари фуқаролар йиғинларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, кадрлар танлашда кўмаклашсинлар.

3. Фуқаролар йиғинларига, туман ва шаҳар ҳокимларига йиғинлар раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига ташкилотчилик қобилиятига ва катта обрў-эътиборга, етарли билим даражасига эга бўлган, янги демократик қадриятларни тез ўзлаштира олувчи, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ва уларни амалга оширишни таъминлашга қодир одамларни танлаш тавсия этилсин.

4. Олий Мажлис Котибияти:

сайлов билан боғлиқ ташкилий тадбирлар ўз вақтида ўтказилишини, қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига доир таклифлар тўпланиши ва умумлаштирилишини таъминласин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тавсияларни, шунингдек зарур ҳужжатларнинг нусхаларини жойларга жўнатсин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишга тайёргарлик кўришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларга котибият ходимларини юборишни назарда тутсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 ноябрь.

## ҒАЛЛА ЭКИБ БЎЛИНДИ







*Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари бир неча йилдирки ғалладан мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Бу йил уюшмада 535 гектар ерга уруғ сепиш мўлжалланганди. Ғаллакорлар муҳим ишга масъулият билан ёндошиб, экишни якунладилар.*

*Дастлаб уруғ тушган пайкаллар ҳозир ям-яшил майсалар билан қопланган. Хўжаликда ниҳолларни суғориш ва озиқлантиришни бошлаб юборилди. Ўтган йили гектар бошига 50 центнерга етказиб ҳосил олган Ҳасанбой Иброҳимов бошлиқ оила аъзолари бу йил ҳам қисқа муддатда 41 гектар ерга уруғ қададилар.*

*СУРАТЛАРДА: пудратчи оила бошлиғи Ҳасанбой Иброҳимов хўжалик раиси Шарофиддин Нурмуҳамедов ва туман «Мевасабзавот» бирлашмаси бошлиғи Раҳимжон Жумақулов майсалар ривожини кўздан кечиришмоқда; хўжаликда 40 йилдан бери механизатор бўлиб ишлаётган Амир Пусурмонов; сўнгги пайкаллар экишга тайёрланмоқда.*

*Даврон АҲМАД олган суратлар.*

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ДАЛАДА... МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ

***ВИЛОЯТДА бундан икки ой илгари бошланган «Маънавият соатлари» энди бевосита пахтазорларда давом этмоқда. Шоирлар, ёзувчилар, олимлар ҳамда санъаткорлардан иборат гуруҳлар хўжаликларда меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказмоқдалар, концертлар уюштирмоқдалар.***

Яқинда вилоят Қизил Ярим ой жамиятининг раиси Мупаррах Каримова бошлиқ шундай жамоа Янгийўл тумани пахтакорлари ҳузурида бўлди. Теримчилар турли мавзуларда суҳбатлар тинглашлари билан бирга «Баҳор» халқ рақс дастаси ижросида концерт томоша қилдилар.

***Саид ВАЛИЕВ.***

### ФОЙДАСИГА «ТИКО», «ДАМАС», «НЕКСИЯ»

***АНГРЕНДАГИ автобус-таксомотор парки ҳиссадорлик жамияти йил давомида транспорт воситаларини деярли янгилади. Бунинг ҳисобига ўтган ойлар ичида аҳолига 217 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатишга эришди.***

Бу режада белгиланганига нисбатан 5 миллион сўмлик кўпдир.

— «Асакабанк» ва «Ўзуйжойижтимоийбанк» билан иқтисодий алоқаларимизни мустаҳкамлаяпмиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Неъматжон Эралиев. — Улар биз чиқарган 18 миллион сўмлик акцияларимизни сотиб олишди. Тушган фойда ҳисобига 10 та «Дамас», бир неча «Тико» ва «Нексия» автомашиналарини сотиб олдик. «Дамас» машиналари Андижон ва Тошкентга қатнайдиган йўловчиларга, «Тико» ва «Нексия»лар эса шаҳар ичида буюртмачиларга хизмат кўрсатади.

Корхона олинган фойдадан 25 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар харид қилди. Ҳиссадорларга ўтган ярим йил фойдаси ҳисобидан дивиденд тўлашга тайёргарлик кўриляпти.

***Минавара ИСОҚУЛОВА.***

### «МАФТУНА» ИШГА ТУШДИ

***ҚИБРАЙ туманидаги Ёнариқ қишлоғида ишбилармон, тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шулардан бири Раъно Раҳматиллаевадир.***

У ўз оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларидан тўплаган маблағ ҳисобига қишлоқда тўй-ҳашамлар учун ўрин-кўрпа тикиб, тайёрлайдиган цехни очиш учун икки қаватли иморат қуриб битказди. Шу қишлоқда истиқомат қиладиган 10 нафарга яқин келинларни ишга қабул қилди. Кичик корхонага «Мафтуна» номи берилди.

Корхона яқиндан бошлаб амалий ишга киришди.

***Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.***

### ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ УЧУН

***МАМЛАКАТИМИЗДА, айниқса, унинг пойтахтида йирик-йирик иншоотлар қурилиши кенгайиб бормоқда. Уларнинг айримлари фақат темир-бетон конструкцияларидан йиғилмоқда.***

Бундай бинокорлик материалларини тайёрлаш учун йўғон арматуралар кўп талаб қилинмоқда. Уларни четдан келтириш эса жуда қимматга тушади.

Шунинг учун ҳам Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бундай арматураларни тайёрлашни ўз зиммасига олди. Мутахассислар мавжуд прокат станларини шундай арматуралар ишлаб чиқаришга мослаштирдилар. Натижада, йўғонлиги ўттиз миллиметрли янги ашёни тайёрлаш ўзлаштирилди. Металлурглар унинг дастлабки намуналарини республикамиздаги темир-бетон конструкциялари корхоналари ва қурилишларга жўнатишга киришдилар.

***Ҳамид МАҲМУДОВ.***

### ЧЕКИШГА ҚАРШИ ДАСТУР

***КЕЙИНГИ пайтларда ёшлар орасида чекишни ташлашга ихлос қўйётганлар ҳам кам эмас. Бунда Чехия, Малайзия, Таиланд каби хорижий мамлакатларда муваффақиятли қўлланилган «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» таълим дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Ушбу тадбир ташаббускори — «Ўзбекистон — Бритиш-Американ Тобакко» қўшма корхонасининг таъсири вилоятимизда ҳам сезилди. Хусусан, мазкур дастурни амалга оширишда Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактаби синов майдончаси сифатида қабул қилинди.

***Акбар АЛИЕВ.***

### БОЖХОНАЧИЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

*Тошкент вилояти божхона бошқармасида 1998 йилнинг тўққиз ойи мобайнида қилинган иш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Алишер Аманбоев бошқарди.*

Йиғилишда Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, давлат божхона қўмитаси ҳайъати қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари ва бошқа божхона ишини мувофиқлаштиришга қаратилган меърий ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди.

Жумладан, тўққиз ойлик иш режаси ошириб адо этилди. Давлат бюджетига жами 3558756,7 минг сўм маблағ туширилди. Бу эса ўтган йил шу давридагидан қарийб етти баробар кўпдир.

Бошқарма ходимлари йиғилишда Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка қарши курашга чорловчи Фармони тўғрисида тўхталиб, унда кўрсатилган салбий иллатларга қарши кураш божхона органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклашини таъкидлашди.

Йиғилишда қилинган ишлар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлил этилиб, келгуси режаларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

***Ботир ҲУСАНБОЕВ.***

## ОЛИЙ ФАЗИЛАТМАС ҲАВОЙИ ҲАВАС

### ҲАММАМИЗНИ ТЎЙГА ЕТКАЗСИН, ЛЕКИН...

***КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ дуога қўл очиб, билдирадиган тилакларидан биттаси бу «ҳар кимни ҳам тўйга етказсин» деб қиладиган ниятларидир. Дарҳақиқат, тўй инсоннинг ҳаётида энг яхши, энг нашъу-намоли воқеадир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она фарзанд кўрган кундан бошлаб тўй тараддудини кўради.***

Дастурхон ёзиб, элга ош берсам, қарзимни узсам, дейди. Хоҳ ўғил тўйи, хоҳ қиз узатиш бўлмасин, бундай қувончли дамларда инсонлар бир-бирлари билан кўришиб, ҳатто, гина-кудуратлар ҳам унутилади. Маҳалла жамоаси аҳли, унинг фаоллари хонадон соҳибига кўмаклашади. Жўяли маслаҳатлар беради, ёрдам қўлини чўзади. Иложи бўлса, камини яшириб, борига барака киритиш тараддуди кўрилади. Шунинг учун ҳам халқимизда «отанг ҳам, онанг ҳам маҳалла», деган мақол бежиз айтилмайди. Демакки, маҳаллада бўладиган ҳар қандай тантана, тўй ҳашамлардан энг аввало, маҳалла аҳли баҳра олиши, завқланиши керак. Мен ана шу ҳақда ўйлар эканман, баъзида таажжубланаман. Нега айримлар туппа-тузук ҳовли-жойи бўла туриб, тўйни ресторанда, кафеларда ўтказишади. Баъзилар кўп қаватли уйлар ноқулай-да, дейиши мумкин. Лекин, сирасини айтганда, ҳозирги пайтда кўп қаватли уйларнинг ҳовлисида тўйхоналар ҳам қуриб қўйилган-ку. Демак, бу баҳона бўлолмайди.

Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, ресторанда, кафеларда ўтказиладиган тўй-ҳашамларга одамларни таклиф қилишда маҳалла аҳли четлаб ўтилади ёки бўлмаса, танлаб-танлаб айтишади. Шу инсофданми? Кўп йиллик кузатишлардан шундай хулоса чиқариш ҳам мумкинки, ресторан ва кафеларда тантанавор қилиб, тўй ўтказадиганларнинг аксарияти маҳалла ишига аралашмайдиган, жамоатчиликдан ўзини бир поғона юқори тутишга ҳаракат қиладиган «тадбиркор»лардир. Нега улар жамиятдан, кўпчиликдан ўзларини айри тутадилар. Ёки улар кафелардаги ҳаддан ташқари дабдабабозлик, исрофгарчиликдан маҳалла аҳли бехабар қолақолсин, дейдиларми.

Бу ҳам майли-я, маъракаларнинг кафеда ўтказилишига нима дейсиз. Бунга қандай баҳо бериш керак. Бу ишлар манманликнинг бир тури эмасми. Ахир марҳумнинг хотираси, унинг туғилиб-ўсган жойида, ватанида ўтказилиб, ўша ерда унинг ҳақига дуои фотиҳа қилинса бу мусулмончиликнинг ўзгинаси бўлмайдими.

Менимча, Президентимизнинг жуда ҳаётий ва долзарб ҳисобланган Фармони ҳамма жойда қизғин муҳокама этилиб, ўринли фикр ва таклифлар билдирилаётган ҳозирги пайтда масаланинг ана шу томони ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бизнингча, тўйлар, тантаналар, борингки, маъракаларнинг ўша ҳудуднинг ўзида, ҳар бир хонадон соҳибининг ўз жойи, ўз истиқомат манзилгоҳида ўтказилгани маъқул. Бунга бошқалар нима дейишаркин.

***Носир РИХСИЕВ,***
***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.***

### «КАВАРДОН» УДУМИ

***КУНИ кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси фаолларининг Президентимиз Фармонига жавобан қабул қилган Мурожаатномасини диққат билан ўқиб чиқдим.***

Дарҳақиқат, қайд қилинганидек, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ихчам, сермазмун, исрофгарчиликсиз ўтишида биз ҳам масъулмиз. Зеро, маҳалла оқсоқоли ана шу ҳудуднинг отаси, сардори ҳисобланади.

Ҳар биримиз ўз маҳалламизда хушёррок турсак, тўғри йўлдан озганларга муросасиз бўлсак, жамоа ва жамият манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилсак, элимизга ҳам, тадбирларни ўтказаётган хонадонларга ҳам ҳурмат, обрў-эътибор келтиради.

Шуни айтиш керакки, мен қўмита раиси бўлган «Қавардон» маҳалласида ҳамиша тўю-тантаналар маромида, ўзини кўз-кўз қилишдан ҳоли тарзда ўтиб келган. Шунга қарамасдан, Мурожаатномага қўшилган ҳолда, бундан буён ҳам ана шу тартибни қаттиқ ушлашга интиламиз.

Она юртимиз истиқболи йўлида халқ ва миллат эҳтиёжи учун қайишиш, айрим ўзбошимчаларнинг режаларига қарши қалқон бўлиб туриш маҳалла оқсоқолларининг доимий бурчи бўлиши лозим.

***Аҳрорхўжа ИБРОҲИМХЎЖАЕВ,***
***Юқоричирчиқ туманидаги «Қавардон» маҳалласи оқсоқоли.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

-га обуна давом этмоқда!

ЯККА ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2012 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1006 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 167 сўм 69 тийин

ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
1 ЙИЛГА — 2612 сўм 28 тийин
6 ОЙГА — 1306 сўм 14 тийин
1 ОЙГА — 217 сўм 69 тийин

Нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:
Якка обуначилар учун — 205
Ташкилотлар учун — 206

ВАҚТ КУТМАЙДИ!



«Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишни унутманг, азизлар!

